

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВ ФАЗЛИДДИН САДРИДДИНОВИЧ

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАКНИНГ ЁШГА ОИД
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ЭТИЛ
СПИРТИ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШЛАРИ (ТАЖРИБАДА)**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

УЎК: 611.085.1: 612.332.72: 616.89

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўраев Фазлиддин Садриддинович

Ўн икки бармоқли ичакнинг ёшга оид морфофункционал хусусиятлари ва унинг этил спирти таъсирида ўзгаришлари (тажрибада).....3

Тураев Фазлиддин Садриддинович

Возрастные морфофункциональные особенности двенадцатиперстной кишки и ее изменения под влиянием этилового спирта (в эксперименте).....27

Turaev Fazliddin Sadriddinovich

Age-related morphofunctional features of the duodenum and its changes under the influence of ethyl alcohol (experimentally).....53

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТЎРАЕВ ФАЗЛИДДИН САДРИДДИНОВИЧ

ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАКНИНГ ЁШГА ОИД
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ЭТИЛ
СПИРТИ ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШЛАРИ (ТАЖРИБАДА)

14.00.02 – Морфология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2639 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Илясов Азиз Саидмуратович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Етакчи ташкилот

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: info@buxmi.uz buxmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc).

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2019 йилда дунё бўйича 209 миллион киши спиртли ичимликларга қарам бўлган. Бу дунё аҳолисининг тахминан 3,7% ини ташкил этади. Шу билан бирга, ҳар йили алкоголь истеъмоли билан боғлиқ ҳолда 2,6 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда, бу эса барча ўлим ҳолатларининг 4,7% ига тенг. Спиртли ичимликлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг энг юқори улуши, яъни 13%и 20-39 ёшдаги аҳоли қатламига тўғри келади. Жаҳон бўйича 15-19 ёшли ўсмирларнинг 23,5% и спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилардир. Шундан келиб чиқиб, ЖССТ ҳукуматларни 2022-2030 йилларга мўлжалланган алкогольга қарши глобал ҳаракат режасини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга чақирган.

Дунёда ўн икки бармоқли ичак касалликлари - кенг тарқалган касалликлар бўлиб, уларнинг учраш даражаси турли мамлакатларда турли омилларга боғлиқ. Ер юзидаги аҳолининг тахминан 20-30% и дуоденитни, 10-15% и ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини бошидан кечиради. Сўнгги ўн йилликда ривожланган мамлакатларда оғир овқатлар, фаол бўлмаган ҳаёт тарзи, алкоголь ва чекишнинг ортиб бориши ўн икки бармоқли ичак яра касалликларининг кўпайишига олиб келди, "...алкоголизмда гастродуоденал соҳа касалликлари кечишининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг анъанавий даволаш усулларида чидамлилигини, ошқозон-ичакдан қон кетиши тез-тез ривожланиш тенденциясини ва бемор учун ўлимга олиб келадиган бошқа асоратларни шифокорлар кузатишган..."¹.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, айниқса, ҳазм тракти аъзоларининг морфофункционал фаолияти бузилишига олиб келувчи касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш бўйича изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, касалликларнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган ишлар самарали натижалар бераётганини қайд этиш мумкин. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш вазифаси етакчи йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу стратегия доирасида "...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш..."² муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш жараёнида ўн икки бармоқ ичак букилмаларининг қиёсий морфологик ва морфометрик таҳлили, уларнинг тажрибавий алкоголизация шароитидаги ўрганишни тақазо этади. Бу тадқиқотлар ўн икки бармоқ ичак касалликларининг профилактикаси ва

¹ Вязьмин А.М. Мордовский Э.А., Соловьев А.Г. Смертность от состояний, связанных с употреблением алкоголя // Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины. – 2013. – № 2. – С.13–16.

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

даволаш усулларини такомиллаштириш учун замин яратади. Шунингдек, асоратлар туфайли юзага келадиган ногиронлик даражасини камайитиришга ҳисса қўшади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спиртли ичимликларни сурункали суистеъмол қилиш, ижтимоий зарардан ташқари, соматик касалликларнинг пайдо бўлиши, қайталаниши ва ривожланишига олиб келади (Пауков В.С., ва ҳаммуал., 2020), бу бутун инсоният учун фалокат эканлиги исботланган. Клиник ва клиник олди тадқиқотлар шуни кўрсатадики, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш “тешик ичак” синдромига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида инфекция тушишини ва аъзоларнинг тизимли дисфункциясини кучайтиради. Натижада, этил спирти шиллиқ қаватдан липидларни ажратиб олиш ва эритиш орқали ичакнинг тўсиқ функциясини йўқотиши мумкин, оқибатда шиллиқ қават юзасининг гидрофоб хусусиятлари пасаяди. Шу билан бирга макрофаглар ва ретикулоэндотелиал тизим ҳужайралари томонидан амалга ошириладиган фагоцитоз жараёни бузилади (Xiaofa Q., 2015).

Морфологларнинг таърифига кўра: сфинктерлар - бу ҳар қандай найсимон аъзонинг жоми, ёпилувчи қисми мушак қатламнинг ҳалқасимон мушакларининг қалинлашиши (Сакс Ф.Ф. 1994., Ильясов А.С. ва ҳаммуал. 2022., Rakhmonov Z.M. et al. 2022).

Гистологик тузилишга кўра, барча сфинктерлар кўндаланг тарғил - рабдосфинктерлар ва силлиқ мушакли - леёсфинктерларга бўлинган (Browning K.N. 2011., Ilyasov A.S., ва ҳаммуал. 2022).

Муаллифлар томонидан қизилўнгач клапанларидаги ва ўн икки бармоқ ичак Фатер сўргичидаги мушаклар йўналиши батафсил ўрганиб чиқилган (Колесников Л.Л., 2008; Рахмонов З.М., 2022).

Икки ковак қўшни аъзолар орасида бурчакнинг бўлиши ва бўшлиқнинг тирқишли шаклда бўлиши антирефлюкс механизмининг муҳим сифати ҳисобланади (Селивёрстов С.С., 2020). Ўн икки бармоқ ичак Фатер сўргичидаги мушаклар атрофи девори қалинлигининг бир хил бўлмаслиги асосан ҳалқасимон мушаклар қавати ҳисобидан бўлади (Rakhmonov Z.M., ва ҳаммуал. 2022). Муаллифларнинг фикрига кўра нафақат қўшни ковак аъзолар балки битта ковак аъзо қисмлари орасида ҳам антирефлюкс механизмининг муҳим сифати ҳисобланган мушакли жомлар мавжуд (Ilyasov A.S. va boshq., 2024).

Этил спиртининг ўн икки бармоқли ичак деворининг структуравий элементларига таъсирини ўрганиш амалий тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб,

бу этил спиртининг таъсир қилиш механизмларини ўрганиш, этил спиртидан захарланишни даволаш ва олдини олиш воситаларини излашга қаратилган кўплаб замонавий ишлар билан тасдиқланган, аммо этил спирти билан захарланишга жавобнинг турга хослиги клиник синовлар давомида лаборатория ҳайвонларида олинган кашфиётларнинг кенг тасдиғини бермайди, бундан ташқари ичак девори тўқималари билан боғлиқ бўлган сфинктер аппарати ҳақидаги тадқиқотларда ўн икки бармоқли ичак букилма (мушакли жом)ларининг аҳамияти, морфологик локализацияси, структуравий тузилиши ва этил спирти таъсирида макро ва микроскопик ўзгаришлари ҳақида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режасига (03.2022. PhD.149/2) мувофиқ “Бухоро вилояти аҳолиси саломатлигига таъсир кўрсатувчи COVID-19 дан кейинги организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади постнатал онтогенезда оқ зотсиз каламушларда ўн икки бармоқли ичакнинг меъёрий шароитда, спиртли ичимликлар таъсирида ҳамда қора седана мойи билан коррекция қилинган ҳолатдаги морфофункционал хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқ зотсиз каламушларда постнатал онтогенез давларида ўн икки бармоқ ичак девори букилма соҳалари (мушакли жом) нинг макро ва микроанатомик параметрларини ёшга боғлиқ ривожланиш динамикасини аниқлаш;

кечки постнатал давр турли ёшдаги оқ эркак каламушларда этил спиртини қисқа (30 кун) ва узоқ (120 кун) муддатда ичирилганда ўн икки бармоқ ичакнинг букилма (мушакли жом) соҳаларидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни қиёсий таҳлил қилиш;

этил спирти таъсирида ўн икки бармоқ ичак букилма (мушакли жом) соҳаларидаги морфометрик ўзгаришларга қора седана мойининг коррекцион таъсирини морфологик жиҳатдан асослаш;

оқ каламушлар ўн икки бармоқ ичагининг этил спирти билан захарлаганда ва қора седана мойи билан коррекция қилинган ҳолатдаги морфофункционал хусусиятларини «виментин» ва «десмин» иммуногистокимёвий маркёрлари асосида баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида туғруқ жараёнидан 12 ойгача бўлган 229 та оқ зотсиз эркак каламушлар ўрганилган.

Тадқиқот предмети сифатида турли ёшдаги тажриба каламушларнинг ўн икки бармоқли ичакларининг макропрепаратлари ва мушакли жом (букилма) соҳаларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда макроскопик, морфометрик, гистологик, иммуногистокимёвий ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор каламуш ўн икки бармоқли ичак букилма соҳалари бурчак даражалари ўлчаниб, энг ўткир бурчак 12 ойликда ўн икки бармоқ - оч ичак букилма бурчаги (36°), энг ўтмас бурчак янги туғилган каламушларда жигар ости букилма бурчаги (160°) эканлиги илмий исботланган;

ўн икки бармоқ ичак букилма соҳасида мушак қатлами коллаген тола тутамлари циркуляр ва бўйлама мушак толаларини қовузлоқ шаклида ўраб, букилма яқинидаги соҳаларга нисбатан бирмунча мустаҳкам яхлит мушакли жом ҳосил қилиши букилмаларнинг антирефлюкс аҳамиятининг морфологик асоси эканлиги биринчи марта исботланган;

ўн икки бармоқли ичак букилма соҳаларидаги девор қаватлари, коллаген тола тутамлари, эпителия хужайралари, бакалсимон хужайралар, хусусий пластинкадаги лимфоцитлар этил спирти билан турли муддатли заҳарланишда ўрганилган ва қора седана мойининг ҳимоявий роли морфологик асосланган;

этил спирти таъсирида каламушларнинг ўн икки бармоқли ичаги букилма соҳасидаги девор қатламларининг иммунгистокимёвий таҳлилида виментин билан бўялиш интенсивлиги ошиши, десмин билан бўялиш эса пасайиши, шунингдек, этил спирти билан биргаликда қўлланилган қора седана мойи ушбу ўзгаришларни юмшатиб, иммунгистокимёвий маркерлар экспрессиясини нисбатан барқарор ҳолда сақлаб қолиши илк маротаба асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оқ каламушларнинг турли ёш гуруҳларида сурункали этил спирти таъсирида ўн икки бармоқли ичак деворининг макро ва микроскопик хусусиятлари ўрганилган ва солиштирилган, олинган натижалар тажрибавий тадқиқотлар ўтказишда амалий аҳамиятга эга;

тадқиқот натижалари ўн икки бармоқли ичакнинг букилма соҳаларида гистологик параметрлари ва бурчак даражалари кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик бўйича маълумот берган. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш ўн икки бармоқли ичакда жарроҳлик амалиётлари ўтказишда аъзо сақлаш имконини бериши мумкин;

алкоголдан сурункали заҳарланиш таъсирида ўн икки бармоқли ичакда морфометрик ўзгаришларнинг белгиланган даражаси амалий исботланган ва бу ёшга оид ўн икки бармоқли ичакнинг анатомик таркибий қисмларининг мумкин бўлган зарарланишни олдини олиш, эрта аниқлаш ва патогенетик даволаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда фойдаланилган назарий ёндашув ва усуллар, тадқиқотнинг методологик аниқлиги, тажриба ҳайвонларнинг етарли сони, ўзаро боғлиқ бўлган замонавий морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли ёшдаги аъзога сурункали этил спиртли заҳарланишининг таъсири туфайли юзага келадиган ҳазм қилиш жараёнларининг мураккаб механизмлари аниқланганлиги, лаборатория ҳайвонларида дисмин ва виментин маркёрлари ёрдамида иммуногистокимёвий текширувни қўллаш орқали ўн икки бармоқли ичак деворининг морфологик ўзгаришларни баҳолаш мезон ва усуллари қайта кўрилганлиги, ушбу интоксикация таъсирида ўн икки бармоқли ичак девори тузилмаларининг ўзгариши

ва гистографияси ҳақида назарий билимлар даражасини кенгайтириши, тақдим этилган материал тадқиқотчиларга каламушларнинг ўн икки бармоқли ичакнинг анатомик хусусиятларини аниқроқ тушунишга ва тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига қараб, лаборатория ҳайвонларида тадқиқотларни режалаштиришда ушбу билимларни қўллашга, шунингдек, илмий тадқиқот натижаларини назарий ва амалий тиббиётнинг турли соҳаларида қўллаш имконини бериши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тажриба ҳайвонларининг ўн икки бармоқли ичагидаги морфометрик ўзгаришларнинг асосий тамойиллари аниқланганлиги, сурункали этил спирти интоксикациясида зарарланган турли ёш гуруҳларидаги оқ зотсиз каламушларнинг ўн икки бармоқли ичак деворининг морфологик хусусиятлари солиштирилганлиги, олинган илмий маълумотлар эрта ташхис қўйиш сифатини яхшилашга, сурункали этил спиртининг таъсири оқибатларини олдиндан аниқлаш усуллари ва самарали илмий асосланган даволаш тактикасини яратишга ёрдам бериши, бундан ташқари, ушбу маълумотлар этил спирти таъсири билан боғлиқ ўн икки бармоқли ичак касалликларини ўрганишда илмий лабораториялар учун тажрибавий модел сифатида тавсия этилиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўн икки бармоқли ичакнинг ёшга оид морфофункционал хусусиятлари ва унинг этил спирти таъсирида ўзгаришлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк каламуш ўн икки бармоқли ичагининг макроскопик кўрсаткичларининг ёшга доир ривожланиш динамикаси, букилмаларнинг бурчак даражалари, анатомо- топографик хусусиятлари ва букилма даражаларининг ўзгариш қонуниятлари тахлили бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23-М/103- сон хулосаси билан тасдиқланган «Оптимизация органосохраняющих операций путем изучения макроанатомических особенностей двенадцатиперстной кишки у крыс» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг №42-сонли буйруғи билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг № 312-2-42-ТВ/2025 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (ИТК нинг 17.07.2025 йилдаги № 22/24 сонли тасдиғи). Ижтимоий самарадорлиги: ўн икки бармоқ ичак букилма соҳаларининг ёшга хос ривожланиш динамикасида аниқланган қонуниятлар аҳолига ўз вақтида ташхис қўйиш даражасини янада яхшилаш, прогнозлаш ва илмий ўйланган самарали усуллар орқали жаррохлик амалиётларида орган сақлаш операцияларини ўтказиш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: этил спирти таъсирида келиб чиққан ўн икки бармоқ ичакдаги функционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларни аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усуллариини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор хисобига 185 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 125 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: ўн икки бармоқ ичак букилма соҳаси мушак қатлами коллаген тола тутамлари бўйлама ва циркуляр мушак толаларини қовузлок шаклида ўраб яхлит мушакли жомни ҳосил қилиши, букилмагача

бўлган соҳада мушак қаватининг коллаген тола тутамлари ковузлоқлари юпқа ва сийрак, букилмадан кейинги соҳада эса букилмагача соҳага нисбатан қалин ва зич жойлашган бўлиб, уларнинг антирефлюкс аҳамияти бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 30 сентябрдаги 23-М/103- сон хулосаси билан тасдиқланган «Оптимизация органосохраняющих операций путем изучения макроанатомических особенностей двенадцатиперстной кишки у крыс» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг №42-сонли буйруғи билан, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг №312-2-42-ТВ/2025 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (ИТК нинг 17.07.2025 йилдаги № 22/24 сонли тасдиғи). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали алькоголизмнинг ўн икки бармоқли ичак биометрик параметрларига таъсирининг аниқланган қонуниятлари аҳолига ўз вақтида ташхис қўйиш даражасини янада яхшилаш, прогнозлаш ва илмий ўйланган самарали усуллар орқали даволаш имконини берди. Бундан ташқари бу маълумотлар клиникада турли ёш гуруҳлари учун дифференциал терапия стратегияларини ишлаб чиқиш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: этил спирти таъсирида келиб чиққан ўн икки бармоқ ичакдаги функционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларни аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усуллариини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор хисобига 205 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 135 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: ўн икки бармоқли ичак букилма соҳасидаги девор қаватлари, коллаген тола тутамлари, эпителия ҳужайралари спиртли ичимликлар билан сурункали захарланишда ўрганилган ва қора седана мойининг морфологик асосланган ҳимоявий аҳамияти бўйича таклифлар берилган. Ижтимоий самарадорлиги: сурункали алькоголизмнинг ўн икки бармоқли ичак биометрик параметрларига таъсирида олинган натижалар алкогол билан боғлиқ касалликларни олдини олиш дастурларига асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек аҳолига ўз вақтида ташхис қўйиш даражасини янада яхшилаш, прогнозлаш ва илмий ўйланган самарали усуллар орқали даволаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: этил спирти таъсирида келиб чиққан ўн икки бармоқ ичакдаги функционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларни аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усуллариини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор хисобига 145 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 125 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: ўн икки бармоқли ичак букилма соҳасидаги девор қатламларининг этил спирти таъсирида кузатиладиган патоморфологик ўзгаришларини иммунгистокимёвий - десмин ва виментин маркерларини қўллаш орқали аниқланган маълумотлар аҳамияти бўйича таклифлар берилган. Ижтимоий самарадорлиги: сурункали алькоголизмнинг ўн икки бармоқли ичак биометрик параметрларига таъсирининг аниқланган қонуниятлари аҳолига ўз вақтида ташхис қўйиш даражасини янада яхшилаш, прогнозлаш ва илмий ўйланган самарали усуллар орқали даволаш имконини

берди. Иқтисодий самарадорлиги: этил спирти таъсирида келиб чиққан ўн икки бармоқ ичакдаги функционал ўзгаришларни тадқиқ қилиш, уларни аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усуллари тақомиллаштириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига 135 000 сўмга бюджет маблағларини, бюджетдан ташқари маблағларни 115 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий мақола chop этилган бўлиб, шулардан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий ютуқларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси халқаро нашрларда chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалий соғлиқни сақлашга жорий этилиши баён этилган, чоп этилган илмий ишлар ҳақидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Эндоген ва экзоген омиллар таъсири остида ички органлардаги морфофункционал хусусиятларнинг ўзгаришлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора – тадбирларга замонавий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)”, деб номланган биринчи боби маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳига бағишланган. Одам ва ҳайвонларда, шу жумладан, оқ зотсиз каламушларда, постнатал онтогенезда ўн икки бармоқ ичакнинг тузилиши, ўсиши ва ривожланиши қонуниятлари, лаборатория ҳайвонлари ўн икки бармоқ ичагининг морфофункционал ҳолати, ва уларнинг турли хил ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгаришлари, ҳамда бу ўзгаришларнинг биологик детоксикация усуллари ёритилган.

Диссертациянинг “ Ўн икки бармоқли ичакнинг қисқа ва узоқ муддатли этил спирти таъсиридаги морфологик ўзгаришларни ўрганишда материал ва усуллар ”, деб номланган иккинчи боби мазкур диссертация ишини бажаришнинг материали ва тадқиқотда қўлланилган услубларни тавсифлашга бағишланган.

Ўн икки бармоқ ичак деворининг постнатал онтогенезда морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш учун тажриба ҳайвонлари 4 та (n=229) гуруҳга ажратилди: I – назорат гуруҳи (n=120): янги туғилган (n=13), 6 кунлик (n=14), 11 кунлик (n=12), 16 кунлик (n=13), 21 кунлик (n=14), 3 ойлик (n=13), 6 ойлик (n=14), 9 ойлик (n=13), 12 ойлик (n=14);

II – тажрибавий гуруҳ (n=36) - 30 кун давомида этанолни 7 г/кг/сут қабул қилган 6, 9, 12 ойлик бўлган оқ зотсиз каламушлар ташкил этди;

III – экспериментал гуруҳ (n=32) - 120 кун давомида этанолни 7 г/кг/сут қабул қилган 6, 9, 12 ойлик бўлган оқ зотсиз каламушлар ташкил этди;

III – коррекция гуруҳи (n=41) – 30 кун давомида этанолни 7 г/кг/сут ва қора седана мойини 2мл/кгдан параллел қабул қилган 6, 9, 12 ойлик бўлган оқ зотсиз каламушлар ташкил этди.

Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламушлар асосан илдизмева ва донли озуқалар билан эркин боқилган.

Назорат гуруҳидаги каламушларга металл зонд орқали меъда ичига 0,5 мл ўлчамда дистилланган сув юборилган. Иккинчи тажрибавий гуруҳга мажбуран тажрибавий гуруҳ ҳайвонларининг алкоголизацияси алкогольнинг 40%ли эритмасини қўллаган ҳолда ўтказилган (Сидоров П.И., 2002). Учинчи тажрибавий гуруҳга алкогольнинг 40%ли эритмаси билан биргаликда қора седана мойининг зарарсиз дозаси билан детоксикация амалга оширилган (Habibeh M.S. et al., 2020).

Лаборатория ҳайвонлари билан ишлашда биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига риоя қилинган (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2016., Коптеева К.Е., ва ҳаммуал. 2018).

Ҳайвонларни жонсизлантириш мос муддатларда тонгги соатларда, эфир наркози остида бир лаҳзали декапитация йўли билан амалга оширилган. Шундан сўнг ўн икки бармоқ ичак қорин бўшлиғидан олиниб, морфологик ва морфометрик ўрганилиши учун унинг букилма соҳаларидан бўлакчалар олинган. Тўқима бўлаклари 10%ли нейтрал формалинга солинган. Зарурий ишлов берилганидан сўнг, материалга парафин қуйилган ва 4-6 мкм қалинликдаги қирқмалар тайёрланган, улар гематоксилин ва эозин билан бўялган. Қирқмалар DN-107T/ NLCD-307B Модель (Novel, Хитой) окуляр-микрометри ёрдамида морфометрик ўрганилиб, ўн икки бармоқ ичакнинг шиллиқ қавати, шиллиқ ости қавати, мушак ва сероз қобиклари қалинлиги ўлчанган. Ўн икки бармоқ ичакнинг ўрганилаётган бўлимларидаги ўзгаришларнинг умумий морфологик кўриниши гематоксилин-эозин, Ван-Гизон бўйича бўйлиб ўрганилган.

Иммунгистохимик препаратлар қалинлиги 3 мкм бўлган кесмалар кетма-кет депарафинизация, дегидратация, демаскировка қилинган ва ихтисослаштирилган автоматлаштирилган Ventana Benchmark HT Tisimi Roche (Швейцария) ёрдамида антигенлар билан бўялган. Тадқиқот Десмин ва Виментин антитаналари ёрдамида ўтказилган (Ventana, Швейцария). Иммунгистокимёвий реакциялар антитаналар ишлаб чиқарувчисининг баённомасига мувофиқ ўтказилган.

Гисто - ва цитоморфологик маълумотларга статистик ишлов берилиши Pentium – IV персонал компютерида IBM SPSS Statistics v.26 (ишлаб чиқарувчи – IBM Corporation) дастурининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office Excel 2016 электрон жадвалларида амалга оширилган. Ўртача квадратик оғишлар ва репрезентативлик хатолари кўрсаткичлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Постнатал онтогенез давомида ва этил спиртининг сурункали таъсирида ҳамда унинг коррекциясида ўн икки бармоқ ичак деворидаги ўзгаришларнинг қиёсий морфо – функционал таҳлили”**, деб номланган учинчи боби 5 та кичик бобдан ташкил топган бўлиб, каламушларнинг назорат ва тажриба гуруҳида эрта ва кечки постнатал онтогенез давларида ўн икки бармоқ ичакнинг макроанатомик ва морфологик ўзгаришлар динамикаси ҳамда уларнинг этил спирти таъсирида ўзгаришлари таҳлиliga бағишланган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, туғруқдан кейинги даврда, янги туғилгандан ўн икки ойлик давргача ўн икки бармоқли ичакнинг узунлиги 4,6 барабарга ортди. Ўн икки бармоқли ичак узунлигининг ўсиш суръати ривожланишнинг 3 - ойига келиб энг кўп (37,6%) ошди.

Ўн икки бармоқ ичак диаметрининг ўсиш кўрсаткичи янги туғилгандан ўн икки ойлик давргача энг кўп кўтарилувчи қисмда, 5,4 мартага ортди. Бу кўрсаткич юқори ва тушувчи қисмда бир хил, 4,6 мартага ошди. Шу билан бирга ўн икки бармоқ ичак барча қисмларининг диаметрининг ўсиш суръати


уч ойликда энг кўп ошган: юқори қисм диаметри 49,3%га, тушувчи қисм диаметри 55,1%га, кўтариловчи қисм диаметри 65,2%га ошганлиги кузатилди.

Ўн икки бармоқли ичакнинг букилма бурчаклари солиштирилганда барча ёшда энг ўткир бурчак ўн икки бармоқ-оч ичак бурчаги бўлиб, энг ўтмас бурчак эса барча ёш доирасида жигар ости бурчаги ҳисобланади (1-расм). Бу кўрсаткичлар шу соҳадаги мушак қаватларининг морфологик хусусиятидан келиб чиқади.

Постнатал онтогенез даврида каламушлар ўн икки бармоқ ичак деворининг жигар ости букилма соҳасида барча қаватларнинг ўсиш сурати 6 ойлик даврда энг юқори бўлиб, бунда ташқи бўйлама мушак қават қалинлиги 3 ойлик каламушларга нисбатан 20,7 % га, шиллиқ қават хусусий пластинка баландлиги эса 10,8 % га ошган. Шунингдек 12 ойлик даврда барча қаватларнинг ўсиш суръати энг паст бўлиб, жумладан шиллиқ қават қалинлиги 9 ойлик даврга нисбатан 4,2%га, мушак қават қалинлиги 4,5%га ошган (1-расм).

Каламушлар ўн икки бармоқ ичак деворининг юқори букилма соҳасида барча қаватларнинг ўсиш сурати 6 ойлик даврда энг юқори бўлиб, бунда ташқи бўйлама мушак қават қалинлиги 3 ойлик каламушларга нисбатан 26,6% га, шиллиқ қават эпителийси баландлиги эса 14,6%га ошган. Шунингдек 12 ойлик даврда барча қаватларнинг ўсиш суръати энг паст бўлиб, жумладан ташқи бўйлама мушак қалинлиги 9 ойлик даврга нисбатан 6,9%га, шиллиқ қават мушак пластинкасининг қалинлиги 4,6%га ошган.

Постнатал онтогенез даврида каламушлар ўн икки бармоқ ичак деворининг пастки букилма соҳасида барча қаватларнинг ўсиш сурати 6 ойлик даврда энг юқори бўлиб, бунда циркуляр мушак қават қалинлиги 3 ойлик каламушларга нисбатан 28,9% га, шиллиқ ости қатлам қалинлиги эса 17,5%га ошган.



1 - расм. Постнатал онтогенез даврида каламушлар ўн икки бармоқ ичак девори қаватларининг ўсиш динамикаси.


Шунингдек 12 ойлик даврда аксарият қаватларнинг ўсиш суръати энг паст бўлиб, жумладан эпителийнинг баландлиги 9 ойлик даврга нисбатан 22,3%га, шиллиқ ости қатлам коллаген тола қалинлиги 5,5%га ошган (1 - жадвал).

Постнатал онтогенез даврида каламушлар ўн икки бармоқ ичак деворининг ўн икки бармоқ - оч ичак букилма соҳасида барча қаватларнинг ўсиш сурати 6 ойлик даврда энг юқори бўлиб, бунда ташқи бўйлама мушак қават қалинлиги 3 ойлик каламушларга нисбатан 28,8% га, шиллиқ ости қатлам коллаген тола қалинлиги эса 18,7%га ошган. Шунингдек 12 ойлик даврда барча қаватларнинг ўсиш суръати энг паст бўлиб, жумладан шиллиқ қават мушак пластинкаси қалинлиги 9 ойлик даврга нисбатан 11,0%га, шиллиқ ости қатлам коллаген тола қалинлиги 5,0%га ошади.

Постнатал онтогенез даврида каламушларни этанол билан 30 кун давомида заҳарлаш ўн икки бармоқ ичак девори қаватларининг морфометрик параметрларининг сезиларли реактив ўсишига олиб келди. Энг кўп ўсиш 9 ойликда 23,4% га пастки букилма соҳасида, энг ками эса 6 ойликда 11,5 %га ўн икки бармоқ - оч ичак букилма соҳасида кузатилди.

Ўн икки бармоқ - оч ичак букилма соҳаси деярли барча қаватлари бошқа букилмалар соҳасига қараганда камроқ қалинлашган.

Пастки букилма соҳасида 6 ойлик каламушларда энг кўп шиллиқ ости қатламда назорат гуруҳига нисбатан 22,2%га, энг кам шиллиқ қават эпителийсида назорат гуруҳига нисбатан 15,5%га ўсиш кузатилди.



2 - расм. Бир ой давомида этил спирти ичирилган тўққиз ойлик каламуш ўн икки бармоқ ичак деворининг тузилиши. 1- ворсинка, 2- ворсинка чўққисидаги эпителий ва қадахсимон хужайралар кўриниши, 3- шиллиқ ости қатлам, 4- циркуляр мушак қават, 5- ташқи кўндаланг мушак қават, 6- ворсинка асосидаги эпителий ва қадахсимон хужайралар кўриниши, 7- хусусий пластинка. Бўёқ гематоксилин ва эозин. Ок.10 х об.20.

1-жадвал

Постнатал онтогенез давр да каламушлар ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳаси девори қаватларининг ўсиш сурати($M \pm m$)

қават лари ёши	девор умумий қалинлиг и	шиллик қават	ворсинка баландли ги	эпителий қалинлиг и	хусусий пластинк а	мушак пластинк а	шиллик ости қатлам	ҳалқасим он мушак	бўйлама мушак
янги туғилган	239,9 $\pm$ 1,74	143,9 $\pm$ 1,04	89,2 $\pm$ 0,65	6,5 $\pm$ 0,05	127,4 $\pm$ 0,92	10,1 $\pm$ 0,07	24,0 $\pm$ 0,17	49,4 $\pm$ 0,36	21,2 $\pm$ 0,15
уч ойлик	384,0 $\pm$ 13,92	230,4 $\pm$ 8,35*	142,8 $\pm$ 5,2*	10,6 $\pm$ 0,38*	203,7 $\pm$ 7,38*	16,1 $\pm$ 0,58*	38,4 $\pm$ 1,39*	82,7 $\pm$ 3,0*	35,3 $\pm$ 1,28*
олти ойлик	501,3 $\pm$ 13,1*	300,8 $\pm$ 7,9*	186,5 $\pm$ 4,9*	13,2 $\pm$ 0,3*	263,5 $\pm$ 6,9*	20,5 $\pm$ 0,5*	45,1 $\pm$ 1,2*	106,6 $\pm$ 2,8*	46,2 $\pm$ 1,2*
тўққиз ойлик	577,3 $\pm$ 9,0*	346,4 $\pm$ 5,4*	214,8 $\pm$ 3,4*	15,6 $\pm$ 0,2*	303,1 $\pm$ 4,7*	23,6 $\pm$ 0,4*	52,0 $\pm$ 0,8*	122,8 $\pm$ 1,9*	54,4 $\pm$ 0,8*
ўн икки ойлик	635,6 $\pm$ 12,3	381,4 $\pm$ 7,8	259,3 $\pm$ 5,0	19,1 $\pm$ 0,4	366,1 $\pm$ 7,1	26,7 $\pm$ 0,5	57,2 $\pm$ 1,1	135,5 $\pm$ 2,6	59,3 $\pm$ 1,1

Изоҳ: * - олдинги ёш даврига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).

2-жадвал

Бир ой давомида этил спирти ичирилган каламушлар ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳаси девори қаватларининг кўрсаткичлари($M \pm m$)

қават лари ёши	девор умумий қалинлиг и	шиллик қават	ворсинка баландли ги	эпителий қалинлиг и	хусусий пластинк а	мушак пластинк а	шиллик ости қатлам	ҳалқасим он мушак	бўйлама мушак
олти ойлик	598,5 $\pm$ 13,9*	359,1 $\pm$ 8,35*	215,4 $\pm$ 5,7*	15,8 $\pm$ 0,37*	307,4 $\pm$ 7,15*	26,9 $\pm$ 0,63*	55,1 $\pm$ 1,28*	126,7 $\pm$ 2,95*	54,5 $\pm$ 1,3*
тўққиз ойлик	754,3 $\pm$ 9,8	452,6 $\pm$ 5,9	275,0 $\pm$ 4,9*	20,8 $\pm$ 0,3	394,5 $\pm$ 5,9	28,5 $\pm$ 0,6	67,3 $\pm$ 1,0	159,7 $\pm$ 2,1	71,6 $\pm$ 1,3*
ўн икки ойлик	802,7 $\pm$ 9,8*	481,6 $\pm$ 5,9*	320,6 $\pm$ 4,7*	24,1 $\pm$ 0,3*	460,3 $\pm$ 6,5*	27,0 $\pm$ 0,5	72,2 $\pm$ 0,9*	169,9 $\pm$ 2,1*	74,6 $\pm$ 0,9*

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).


Пастки букилма соҳасида 9 ойлик каламушларда энг кўп ички ҳалқасимон мушак қаватида назорат гуруҳига нисбатан 32%га, энг кам шиллиқ қават эпителийсида назорат гуруҳига нисбатан 18%га ўсиш аниқланган (2- расм). Пастки букилма соҳасида 12 ойлик каламушларда энг кўп ички ҳалқасимон мушак қаватида назорат гуруҳига нисбатан 25,4%га, энг кам шиллиқ қават эпителийсида назорат гуруҳига нисбатан 16%га ўсиш аниқланган (2-жадвал). Пастки букилма соҳасида тўрт ой давомида этил спирти ичирилган 6 ойлик каламушларда энг кам ташқи бўйлама мушак қаватида назорат гуруҳига нисбатан 14,0%га пасайиш кузатилди (3-жадвал).

Пастки букилма соҳасида тўрт ой давомида этил спирти ичирилган 9 ойлик каламушларда энг кўп шиллиқ ости қатлам коллаген толаларида назорат гуруҳига нисбатан 19%га, энг кам шиллиқ қават хусусий пластинкасида назорат гуруҳига нисбатан 15,8%га пасайиш кузатилди.

Пастки букилма соҳасида тўрт ой давомида этил спирти ичирилган 12 ойлик каламушларда энг кўп шиллиқ ости қатламда назорат гуруҳига нисбатан 20,1% га, энг кам ташқи бўйлама мушак қаватида назорат гуруҳига нисбатан 19,4% га пасайиш кузатилди.

Тажрибадаги барча каламушлар ўн икки бармоқли ичак ворсинкаларида қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: ворсинка чўққисида бирорта меъёрий хужайра аниқланмади, ўрта ва пастки қисмларида эпителийлар баландлиги кичрайганлигини, улар орасидаги бакалсимон хужайралар сони камайганини ва ҳажми кичрайганини, хусусий пластинканинг ўрта ва пастки қисмларида яққол ифодаланган лимфоцитлар инфильтрациясини кўриш мумкин.

Ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳасида ворсинка баландлигини турли тажриба гуруҳларида солиштириш натижалари 3 - расмда кўрсатилган.



3-расм. Ўн икки бармоқли ичак пастки букилма соҳаси ворсинка баландлигини турли тажриба гуруҳларида солиштириш.

Қора седана мойини киритиш фонидида бир ой давомида этил спирти билан заҳарланган каламушлар ўн икки бармоқ ичак мушакли жом (букилма) соҳаларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари меъёрга яқинлашди.

3-жадвал

Тўрт ой давомида этил спирти ичирилган каламушлар ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳаси девори қаватларининг кўрсаткичлари($M \pm m$)

кават лари ёши	девор умумий қалинлиг и	шиллик қават	ворсинка баландли ги	эпителий қалинлиг и	хусусий пластинк а	мушак пластинк а	шиллик ости қатлам	ҳалқасим он мушак	бўйлама мушак
олти ойлик	421,5±10,0*	252,9±6,0*	154,2±4,2*	11,4±0,3*	221,3±5,8*	18,2±0,4*	37,5±0,9*	89,9±1,8*	39,7±0,9*
тўққиз ойлик	486,2±9,8*	291,7±5,9*	177,9±5,0*	13,1±0,3*	255,3±5,7*	22,0±0,5	43,3±0,9*	103,6±1,8*	45,7±0,9*
ўн икки ойлик	508,3±8,2*	305,0±4,9*	201,3±4,3*	15,3±0,2*	293,1±4,2*	21,9±0,3*	45,7±0,7*	108,5±1,5*	47,8±0,8*

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).

4-жадвал


Қора седана мойини киритиш фониди бир ой давомида этил спирти ичирилган каламушлар ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳаси девори қаватларининг кўрсаткичлари($M \pm m$)

каватлари ёши	девор умумий қалинлиг и	шиллик қават	ворсинка баландли иги	эпители й қалинли ги	хусусий пластинк а	мушак пластинк а	шиллик ости қатлам	ҳалқаси мон мушак	бўйлама мушак
олти ойлик	536,3±13,9*	321,8±8,3*	199,5±5,2*	14,3±0,3*	281,7±7,4*	26,4±0,7*	48,3±1,2*	113,8±2,9*	49,5±1,4*
тўққиз ойлик	664,8±9,5*	398,9±5,7*	247,3±3,5*	18,3±0,3*	348,6±5,0*	27,1±0,4*	59,8±0,9*	141,4±2,0*	62,5±1,2*
ўн икки ойлик	745,0±8,2*	447,0±4,9*	298,8±2,6*	22,4±0,2*	428,4±4,0*	35,8±0,4*	67,0±0,7*	158,7±2,3*	69,9±0,9*

Изоҳ: * - биринчи тажриба гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).

Энг кўп ижобий ўзгариш 6 ойлик каламушларда, нисбатан камроқ ижобий ўзгаришлар 12 ойлик каламушларда кузатилди (4-жадвал).

Пастки букилма соҳасида 6 ойлик каламушларда ўн икки бармоқ ичак девор қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан 19,4% (1 тажриба гуруҳи)дан 7,0%га камайди. Пастки букилма соҳаси 9 ойлик каламушларда ўн икки бармоқ ичак девор қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан 30,7% (1 тажриба гуруҳи)дан 15,2%га камайди. Пастки букилма соҳасида 12 ойлик каламушларда ўн икки бармоқ ичак девори қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан 26,3% (1 тажриба гуруҳи)дан 17,2%га камайди (4-расм).




4-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги каламушларда ўн икки бармоқ ичак пастки букилма соҳаси ички циркуляр мушак қавати ўзгаришлари.

